

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/05.06.2020.Tib.102.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ДУСМУХАМЕДОВ ДИЛШОД МАХМУДЖАНОВИЧ

**ГНАТИК ШАКЛДАГИ ОККЛЮЗИЯ АНОМАЛИЯЛАРИ БЎЛГАН
БЕМОРЛАРДА РЕЖАЛАШТИРИШНИ ВА КОМПЛЕКС
ДАВОЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.21 – Стоматология

**ФАН ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2020

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Content of the abstract of doctoral (DSc) dissertation

Дусмухамедов Дилшод Махмуджанович

Гнатик шаклдаги окклюдия аномалиялари бўлган беморларда
режалаштиришни ва комплекс даволашни такомиллаштириш..... 3

Дусмухамедов Дилшод Махмуджанович

Совершенствование планирования и комплексного лечения пациентов с
гнатическими формами аномалий окклюдии..... 27

Dusmukhamedov Dilshod Makhmudjanovich

Improving the planning and comprehensive treatment of patients with gnathic
forms of occlusion anomalies..... 52

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 56

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/05.06.2020.Tib.102.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ДУСМУХАМЕДОВ ДИЛШОД МАХМУДЖАНОВИЧ

**ГНАТИК ШАКЛДАГИ ОККЛЮЗИЯ АНОМАЛИЯЛАРИ БЎЛГАН
БЕМОРЛАРДА РЕЖАЛАШТИРИШНИ ВА КОМПЛЕКС
ДАВОЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.21 – Стоматология

**ФАН ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2020

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.1.DSc/Tib342 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат стоматология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб саҳифасида www.sammi.uz ва «Ziyonet» ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: **Юлдашев Абдуазим Абдувалиевич**
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар: **Jaemyung Ahn (Южная Корея)**
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Саатов Талъат Саатович
биология фанлари доктори, профессор, академик

Шомуродов Кахрамон Эркинович
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот: **Наварра жамоат университет (Испания)**

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.04/05.06.2020.Tib.102.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 140100, Самарқанд ш., Амир темур кўчаси 18 уй. Тел./факс: (+99866) 233-07-66; факс: 66233775 (366); e-mail: sammi@sammi.uz).

Диссертация билан Самарқанд давлат тиббиёт институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: : 140100, Самарқанд ш., Амир темур кўчаси 18 уй. Тел./факс: (+99866) 233-07-66; факс: 66233775 (366)).

Диссертация автореферати 2020 йил «__» _____ тарқатилди.
(2020 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Ж. А. Ризаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Г. У. Самиева
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

К. Э. Шомуродов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, доцент

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда юз-жағ соҳаси (ЮЖС) касалликлари кўпайиб бориши шароитида тиббий муаммо билан бир қаторда ижтимоий муаммога ҳам айланиб бормоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра «...аҳоли орасида АҚШда юз-жағ соҳасидаги аномалиялар учраши 65% гача, Европа давлатларида 59,4%гача, Россиянинг турли минтақаларида 30,9%дан 76,5% гача, Ўзбекистонда 62%ни ташкил этмоқда.....»¹. Юз-жағ соҳасидаги туғма аномалиялар, нуқсонларни ташхислаш ва даволашнинг замонавий ёндашув ва усуллари амалий тиббиётга кенг жорий этилишига қарамасдан, долзарб муаммо бўлиб қолмоқда. Шу жиҳатдан ҳам бугунги кунда жаҳон миқёсида ЮЖС касалликлари ташхиси ва даволашни самарали ташкил қилиш юзасидан амалий тиббиёт соҳасида кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Жаҳонда юз-жағ соҳаси аномалиялари, жумладан гнатик шаклдаги окклюзия аномалия (ГШОА)ни олдини олиш, ташхислаш ва даволашни такомиллаштириш мақсадида кенг кўламли илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада юз-жағ соҳаси аномалиялари ва нуқсонларини ташхислаш ва даволаш усулларини такомиллаштириш, тиш-жағ тизимидаги гнатик шаклдаги окклюзия аномалияси бўлган беморларни морфометрик ўзгаришлари, оғиз бўшлиғи аъзоларидаги этиопатогенетик механизмлар ривожланиши ва морфофункционал бузилишлар, антропометрик ва цефалометрик текшириш усулларининг натижаларини ҳисобга олган ҳолда ташхислаш ва даволашни режалаштириш учун компьютер дастурлари таҳлили асосида даволаш тизимини ишлаб чиқиш ва ҳаёт сифатини яхшилашга қаратилган тадбирларни такомиллаштириш алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини илғор жаҳон андозалари асосида ташкил қилиш, аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш, бу борада, жумладан аҳолига ихтисослаштирилган стоматологик ва унинг таркибида ГШОА бўлган беморларга кўрсатиладиган тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини ошириш бўйича кенг қамровли ислохотлар амалга оширилмоқда. «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йуналишлар бўйича ҳаракатлар стратегиясида аҳолининг заиф гуруҳларининг тўлақонли ҳаёт кечиршини таъминлаш мақсадида тиббий-ижтимоий ёрдам тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш вазифалари белгиланган»². Ушбу вазифаларни амалга оширишда ГШОА беморларда қон ва оғиз бўшлиғи суюқлигидаги мақсадли генлар кўрсаткичлар аҳамияти даражаларини очиб бериш, беморларни жарроҳлик амалиётига тайёрлашда

¹ ЖССТ маълумотида кўра, 2013

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси туғрисида»ги ПФ-4947- сонли Фармони, УзР Қрнун Хужжатлари туплами 2017 йил.

антиоксидантни самарали қўллаш ва яллиғланиш асоратларининг ривожланиш олдини олиш, беморларнинг индивидуал талабларини эътиборга олган ортогнатик жарроҳликни режалаштиришда 3D моделлаштиришни мақсадли қўллаш, морфометрик параметрлар ва индивидуал талабларни эътиборга олган ҳолда эстетик ва функционал жиҳатдан юқори самара берадиган ечимларни асослаш каби йўналишлардан тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20 июнидаги ПҚ-3071-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни келгусида ривожлантириш бўйича чора тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устивор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. “Тиббиёт ва фармакология” устивор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича халқаро илмий тадқиқотлар шарҳи.³

Юз-жағ соҳаси аномалияларини ташхислаш ва жарроҳлик усули билан даволашни такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқотлар дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим, жумладан: Peking University, Qingdao University (Хитой), Chang Gung University (Тайван), Sainth Jozeph University of Beirut (Ливан), Wroclaw Medical University (Польша), University of Copenhagen (Дания), Seoul National University, Yonsei University (Жанубий Корея), The Nippon Dental University (Япония), University of Ferrara, University of L'Aquila, University of Brescia (Италия), Universidad de Antioquia (Колумбия), Sir John Walsh Research Institute (Янги Зеландия), Islamic Azad University (Эрон), University of Sydney (Австралия), University of Manchester (Манчестр), University of Kansas, University of Texas at Arlington (АҚШ), Universidad de Antioquia, Medellin (Колумбия), University of Tokyo (Япония), University of Edinburgh; South Korea University; Norwegian University of Science and Technology (Норвегия); Universidade de Uberaba, Estacio de Sa University, Federal University of Rio de Janeiro, Universidade Estadual Paulista (Бразилия); University of Amsterdam, Tha

³ Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи: www.pku.edu.cn, www.qdu.edu.cn, www.cgu.edu.tw, www.usj.edu.lb, www.umed.wroc.pl, www.ku.dk, www.snu.ac.kr, www.yonsei.ac.kr, www.ngt.ndu.ac.jp, www.unife.it, www.univaq.it, www.unibs.it, www.udea.edu.co, www.otago.ac.nz, www.iau.ac.ir, www.manchester.ac.uk, www.sydney.edu.au, www.cu.edu.eg; www.ufjf.br; www.uva.nl; www.portal.estacio.br; www.uwa.edu.au; www.unesp.br; www.khu.ac.kr, www.tmu.edu.tw; www.tsd.uz ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди.

Netherlands University (Нидерландия); University of Western Australia (Австралия); Cairo University (Миср); Taipei Medical University, Taiwan (Тайван); Тошкент давлат стоматология институти (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Жаҳонда юз-жағ соҳаси аномалияларини ташхислаш ва жарроҳлик усули билан даволаш режаларини такомиллаштириш бўйича ўтказилган тадқиқотлар асосида, жумладан қуйидаги илмий янгиликлар олинган тиш-жағ аномалиялари бўлган беморларни ташхислашда 3D моделларини қўллашда турғун натижаларга эришилиши исботланган (Иллинойс, АҚШ Университети); тиш-жағ соҳасида нуқсонлари бўлган беморларда ҳаёт сифати кўрсаткичлари ўтказилган бимаксилляр операциялардан сўнг яхшиланган (Симанэ университети (Япония), Менчестр университети (Буюк Британия); жағлар нуқсони бўлган беморларни реабилитациясини такомиллаштирилган (Миссури университети (АҚШ)); ортогнатик жарроҳлик амалиётларини режалаштириш орқали ортодонт шифокорини юз-жағ жарроҳи билан алоқаси ва ўзаро боғлиқлиги исботланган (Гарвард стоматологлар мактаби (АҚШ)); ортогнатик жарроҳлигига 3D компьютер моделлаштириш жорий этилган (Жанубий Корея); симуляцион рақамларга асосланиб ортогнатик жарроҳлик босқичлари такомиллаштирилган (Сеул миллий университети, Жанубий Корея), катта ёшли японияликлар учун ортогнатик жарроҳликда қўлланиладиган цефалометрик меъёрлар ишлаб чиқилган (Кюнгбук университети (Жанубий Корея)), юз-жағ соҳаси нуқсонларини ташхислаш ва жарроҳлик усули билан даволашни режалаштириш алгоритмлари такомиллаштирилган (Тошкент давлат стоматология институти, Ўзбекистон).

Дунёда окклюзия нуқсонларининг гнатик шакллари билан оғриган беморларни жарроҳлик усули билан даволашни такомиллаштириш бўйича, жумладан қуйидаги устивор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: ортогнатик жарроҳлик амалиётида эстетик натижаларини яхшилаш мақсадида ГШОА беморларни индивидуал ўзига хослигини эътиборга олган ҳолда даволаш комплексини ишлаб чиқиш; цефалометрик меъёрларни индивидуал ўзига хослигини эътиборга олган ҳолда такомиллаштириш; беморларга ортодонто-жарроҳлик ва ортодонтик даволаниши кўрсатмаларни индивидуал ўзига хослигини эътиборга олган ҳолда аниқлаштириш; юз-жағ соҳасининг реконструктив жарроҳлик амалиётларига рақамли технологияларни киритиш; жағлар нуқсонини жарроҳлик усули билан даволашда чакка-пастки жағ бўғимидаги ўзгаришларни аниқлаш; беморларни даволаш усулларини индивидуал ўзига хослигини эътиборга олган ҳолда тежамкор ва қисқа босқичли қилиш асосида такомиллаштириш.

Муаммонинг ўрганганлик даражаси. ГШОА беморларини ташхислаш ва даволаш муаммолари маҳаллий ва хорижий олимларнинг ишларида ҳам ўз аксини топган: тишловнинг тикланиши ва беморларнинг ташқи кўриниши ўзгариши, бурундан нафас олиш функциясини тикланиши ҳамда буруннинг эстетик ўлчамлари, рухий-эмоционал лабиллик

ҳолатларини ўрганишга ҳаракатлар бир неча марта дунёнинг турли мамлакатларидаги тадқиқотчиларнинг диққат марказида бўлган (Sigaux N., Lahon M., Maucourt-Boulch D., 2017; Sigaux N., Lahon M., Maucourt-Boulch D., Bouletreau 2016; Koerich L., Paniagua B., Styner M., 2016; Oeltjen J.C., 2008); шунингдек конус-нурли хажмли томография, стереофотограмметрия, компьютер моделлаштиришни ўлчамли дастурлари каби ташхислашнинг замонавий усуллари юзнинг юмшоқ тўқимаси ва бош чаноғи тузилмаси тўғрисидаги ишончли ва аниқ маълумотларни олишга ёрдам берган. Ушбу маълумотлар жарроҳлик амалиётидан олдинги аниқ режалаштириш имконини беради (Гунько В.И. ва ҳаммуаллифлар., 2008; Swennen G.R., 2008). Калла суягининг уч ўлчамли виртуал модел таҳлили ва беморларда ўтказилган клиник текширишлар комбинацияси юз-жағ нуқсониди тўғри ва аниқ ташхис қўйишда катта имкониятларга эга бўлади (Swennen G.R., Abeloos J., 2010, Stephen A.Schendel, R.Jacobson., 2013).

Мамлакатимизда тиш-жағ тизими шакл бузилишларини ташхислаш, даволаш ва реабилитацияни такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган қатор илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган. Жумладан, Р.К.Якубов олиб борган тадқиқотларида (2002) жағлар нуқсони бўлган бемор болалар учун комплекс текшириш дастури ва комплекс баҳолаш мезонлари яратилган. А.А.Абдуқодиров (2007) юзнинг намунали мослигидан жағлар деформациясини бирга келиш кўринишларини клиник-рентгенологик боғлиқлигини аниқлаган. М.И.Азимов, Ш.Т.Шокиров (2011) жағ ичи дестракторини қўллаш билан юқори ретро-микронатияни жарроҳлик усули билан даволаш алгоритминини яратишди. Альвеоляр ўсимтани суякли блокинни кичик-пластиналар билан мустаҳкамлаш орқали нуқсон пластикасини мақсадга мувофиқлигини асосладилар. С.С.Муртазаев (2017) цефалограммаларда юз скелетини тузилиши, бўшлиқдаги жойлашишини ўзига хосликлари, шунингдек шакллантирилган тиш қатори ва меъёрий тишламга эга бўлган ўзбек популяцияси вакилларидаги жағлараро, тиш-жағ ва тишлараро муносабатни асосладилар. С.С.Муртазаев (2019) юқори жағларнинг чайнов тишлари соҳасига ўрнатилган микроимплантантлар ёрдамида тишламнинг мезиал очиклигини даволаш натижасида олд қуйи юз баландлиги сезиларли камайиши ва даволаш муддатини қисқаришини исботлади, бироқ, бугунги кунда мамлакатимизда ГШОАли беморларни комплекс даволашни тизими такомиллаштирилмаган.

Диссертацион тадқиқот стоматологик беморлар орасида гнатик шаклдаги окклюзия аномалияларини даволашдаги муаммоларни ечимини топишга қаратилган. Соҳадаги инсон саломатлиги билан боғлиқ муаммо ечими, албатта бир қатор тадқиқот ва чора-тадбирларни олиб бориш талаб этилади ва улар пировард мақсадга, аҳолини саломатлигини яхшиланишига олиб келди. Бу эса, мазкур диссертация ишини ЎзР илмий тадқиқот ишларининг устувор йўналишларига мувофиқ тарзда бажарилганлигини белгилайди.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий

таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режаси билан мослиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат стоматология институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №011400196 “Атроф муҳит таъсирларини ҳисобга олган ҳолда юз-жағ соҳасида нуқсон, деформацияси, яллиғланиш касалликлари ва жароҳатлар, ҳавfli ўсмалар бўлган беморларни ташхислаш, даволаш ва реабилитация қилишга замонавий ёндошувларни ишлаб чиқиш” (2014-2019) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади гнатик шаклдаги окклюзия аномалиялари бўлган беморларда режалаштириш ва комплекс даволашни такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

гнатик шаклдаги окклюзия аномалияси бўлган беморларда клиник ва антропометрик ўзгаришларни ретроспектив таҳлиллар асосида тавсифлаш;

гнатик шаклдаги окклюзия аномалияси бўлган беморларда ортогнатик ва реконструктив жарроҳлик амалиётларидан кейинги узок муддатлардаги эстетик ва функционал натижаларни турғунлигини баҳолаш;

гнатик шаклдаги окклюзия аномалияси бўлган беморларда жарроҳлик амалиётидан олдин ва кейин юқори нафас йўлларидаги морфометрик ўзгаришлар ҳолатини баҳолаш;

гнатик шаклдаги окклюзия аномалияси бўлган беморларда жарроҳлик амалиётидан олдин ва кейин беморларнинг қон ва сўлагида ҳимоя ва цитокин тизими ҳолатини баҳолаш;

ўзбек популяциясидаги гнатик шаклдаги окклюзия аномалияси бўлган беморларда цефалометрик кўрсаткичларни корреляцион боғлиқлигини ва қиёсий таҳлилин тавсифлаш;

гнатик шаклдаги окклюзия аномалияси бўлган беморларни ташхислаш ва комплекс даволаш алгоритмин ишлаб чиқиш ҳамда самарадорлигини асослаш;

жарроҳлик амалиёти учун цефалометрик кўрсаткичлар асосида компьютер дастурини яратиш ва дастур самарадорлигини гнатик шаклдаги окклюзия аномалияси бўлган беморларни комплекс даволаш натижаларини қиёсий таҳлилин илмий асослаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2009-2019 йилларда Тошкент давлат стоматология институти клинкасининг болалар юз-жағ жарроҳлиги бўлимида 14-35 ёшгача бўлган гнатик шаклдаги окклюзия аномалиялари билан мурожаат қилган 76 нафар беморлар ва уларнинг тиббий касалликлар тарихи ўрганилган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида гнатик шаклдаги окклюзия аномалияси бўлган беморларнинг суратлари, рентгенологик маълумотлар, жағ моделлари, оғиз бўшлиғи суяқлиги, қон зардоби.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда клиник, математик ва статистик, рентгенологик, антропометрик, функционал, биокимёвий каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

олд фаол ринометрия (ОФРМ) орқали ГШОА беморларда бурундан нафас олиш функциясининг бузулиши ва унинг бурун ичи тузилмаларида ҳаво оқимиға қаршилиқ даражасининг ортиши ҳисобига эканлиги исботланган;

ГШОА беморларда қон ва оғиз бўшлиғи суюқлиғидаги HbF, IL-4, IL-10 цитокинлар, TNF α , IgE ва GSTM1 гени кўрсаткичлар ташхислашда тўқималар гипоксемик ҳолати аниқланиши сабабли юқори даражада ахамиятга эга эканлиги исботланган;

ГШОА беморларни жарроҳлик амалиётига тайёрлашда организмдаги мавжуд гипоксемик ҳолат сабабли антиоксидантни қўллаш Hb, HbF, GSTM1 гени ва IgE га нисбатан ижобий динамикани кўрсатиши ва яллиғланиш асоратларини ривожланиш олдини олиши исботланган;

ГШОА беморларнинг индивидуал талабларини эътиборга олган ортогнатик жарроҳликни режалаштиришда 3D моделлаштиришни қўллаш остеотомияланган жағ суяги фрагментларини бирикиш юзасини ортириш ҳисобига уларнинг турғунлиги ортиши ва операция натижаларининг яхшиланиши аниқланган;

ГШОА беморларни комплекс даволашда жағлар шакл бузилиши сабабли ANS-PNS, Go-Gn, N-ANS, ANS-Gn, SNA-SNB каби морфометрик параметрлар ва индивидуал талабларни эътиборга олиш юқори даражадаги эстетик ва функционал натижалар бериши исботланган.

Тадқиқотларнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ташхислаш ва комплекс текширишнинг таклиф этилган алгоритми ГШОА беморларни талабларини ҳисобга олган ҳолда индивидуал даволаш тактикасини танлаб олишга имконияти яратилган;

беморларнинг функционал ва индивидуал эстетик эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда ГШОАда ортодонтик, ортодонтик–жарроҳлик даволашни ўтказишга кўрсатмалар аниқланган;

комплекс даволашни таклиф этилган алгоритми ва 3D компьютерли моделлаш имкониятларини қўлланилиши индивидуал даволаш тактикасини танлаб беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаши ва асоратларни ривожланиш ҳавфини камайтириши аниқланган;

ўзбек популяцияси шахсда морфометрик ўзига хосликларини ҳисобга олган ҳолда оғиз бўшлиғига кириб бориш билан ортогнатик жарроҳликни ўтказилиши юқори ёки пастки жағлар остеотомияси, жағлар фрагментларини ажратиш/ тортиш орқали тиклаш билан эстетик параметрларни яхшилаган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, текширилган беморлар сонининг етарлилиги, тадқиқотда қўлланилган замонавий ўзаро бир-бирини тўлдирувчи клиник, антропометрик, фотометрик, функционал, рентгенологик, график ва статистик таҳлил усуллар ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, ГШОА беморларни талабини ҳисобга олган ҳолда морфометрик параметрлар асосида ортогнатик жарроҳлик ҳажмини индивидуал компьютер

моделирлаш асосида комплекс даволашни қўллаш бўйича олиб бориш тартиби халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларини илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ГШОА бўлган беморларда режалаштириш ва даволашни такомиллаштириш бўйича тадқиқотда ишлаб чиқилган таклифлар ва тавсиялар касаликни тасхислаш ва даволашнинг методологик-услубий асосларини такомиллаштиришга хизмат қилиши ҳамда жарроҳлик амалиётидан кейинги асоратлар олдини олишда беморларнинг руҳий эмоционал ҳолати ва организмнинг морфофункционал ўзига хослигини хисобга олган ҳолдаги ГШОАни ташхислаш ва даволаш концепцияси такомиллаштирилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар ГШОА бўлган беморларни ташхислаш ва даволаш самарадорлигини оширишга, жарроҳлик реабилитацияси сифатини яхшилаш ва жарроҳлик амалиётидан кейинги асоратларни камайитиришга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий этилиши. Гнатик шаклдаги окклюзия аномалиялари бўлган беморларда режалаштириш ва комплекс даволашни такомиллаштириш бўйича олинган натижалар асосида:

“Пастки жағ шохларини сагитал остеотомия усули билан гнатик шаклдаги окклюзия аномалияли беморларни жарроҳлик йўли билан даволаш” услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 17 июлдаги 8н-р/310-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсияномада таклиф этилган жарроҳлик усули билан даволаш оғиз бўшлиғи ичига кириб бориш билан жарроҳлик усулида даволашга имкон беради, бу чандиқли кемтикларни юзага келишини бартараф этиш ва жарроҳлик амалиётидан кейинги эстетик кўринишни яхшилаб даволаш самарадорлигини ошириш имконини берган;

“3D моделини яратиш билан ортогнатик жарроҳлик амалиётларини компьютерли моделлаштириш” услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 17 июлдаги 8н-р/313-сон маълумотномаси). Мазкур моделлаштиришнинг қўлланилиши, симуляторда жарроҳлик усулидан даволаниши ҳажмини майда қисмларгача режалаштиришга ва мутахасис учун олдиндан бемор билан ишлаганда жарроҳлик амалиётини бажариш жараёнини такомиллаштириш имконини берган;

“Окклюзия аномалиясини гнатик шакллари билан оғриган беморларининг ортогнатик жарроҳлик амалиётларида яллиғланиш асоратларини олдини олиш” услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 10 декабрдаги 8н-р/578-сон маълумотномаси). Мазкур тавсияни қўлланилиши жарроҳлик амалиётидан кейинги асоратларни олдини олиш имконини берган;

ГШОА беморларида ортогнатик жарроҳликни компьютерли моделлаштириш асосидаги ташхислаш ва комплекс даволашни ишлаб чиқилган алгоритми соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан Тошкент давлат стоматология институти ва Андижон вилоят кўп тармоқли касалхона клиник амалиётига, Самарқанд шаҳар тиббиёт бирлашмаси ва Самарқанд вилоят стоматология поликлиникаси фаолиятига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 17 июлдаги 8н-р/313 ва 2019 йил 10 декабрдаги 8н-р/578-сон маълумотномаси). Олинган тадқиқот натижаларининг клиник амалиётга жорий этилиши даволаш самарадорлигини оширилишига, даволашнинг умумий давомийлигини қисқартиришга, асоратлар сонини камайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 11 илмий- амалий анжуманларда, жумладан 5та халқаро ва бта республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 29 илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 14та илмий мақола, жумладан, 11таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 156 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш рўйхати, ишнинг апробацияси натижалари, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Тиш жағ аномалияларини даволашни замонавий талқини**» деб номланган биринчи бобида ТЖАнинг ривожланиш механизми тўғрисидаги замонавий маълумотлар, ТЖАдаги морфофункционал бузилишларнинг ўзига хосликлари таҳлил қилинган. ГШОАни ташхислаш ва даволаш бўйича етарли миқдордаги замонавий хорижий ва маҳаллий адабиётларни таҳлили ўтказилган.

Диссертациянинг «**Тиш жағ аномалияларини текшириш усуллари ва материаллари**» деб номланган иккинчи бобида клиник текширишнинг умумий тавсифи келтирилган. Тадқиқотда болалар юз-жағ жарроҳлиги кафедрасида 10 йил давомида (2009-2019 йиллар) ўтказилган даволаш натижаларининг маълумотлари умумлаштирилган. Қўйилган мақсадни ҳал


этиш учун окклюзия аномалиясининг турига (Энгль, 1898) ва жарроҳлик аралашувининг хажмига кўра барча беморлар 4 гуруҳга бўлинди: 1-гуруҳ (n=16, назорат) дистал тишламли ГШОАли беморлар-анъанавий даволаш; 2-гуруҳ (n=22, назорат) - мезиал тишламли ГШОАли беморлар-анъанавий даволаш; 3-гуруҳ (n=17, асосий) – дистал тишламли ГШОАли беморлар-комплекс текшириш ва 1-схема ва 2-схема бўйича даволаш; 4-гуруҳ (n=21, асосий) - мезиал тишламли ГШОАли беморлар, комплекс текшириш ва даволаш (1-схема ва 2-схема).

Жарроҳлик усулида даволаш мамлакатимизда ҳамда, хорижда кенг қўлланилувчи умум қабул қилинган усуллар бўйича: В.М.Безруков (1987) бўйича юқориги жағ остеотомияси (ЮЖО), В.Ф.Рудько (1966) бўйича вертикал понасимон резекция (ВПР), Dal Pont-Obwegeser (1967) бўйича пастки жағ юза остеотомияси (ПЖЮО) ва бази беморларга бимаксилляр остеотомия: ВПР+ ЮЖО; ПЖЮО+ ЮЖО ўтказилган.

Жарроҳлик усули билан даволашнинг клиник-эстетик натижаларини архив материаллари ҳамда анкета сўровнома асосида баҳоланди. Комплекс даволаш натижаларини баҳолаш учун беморларга қуйидаги аспектларни баҳолашни таклиф этдик: олд ва ён томондан юз эстетикасини яхшиланиши юз симметрияси, жағнинг сурилиши, бурун деформацияси, мимикани бузилиши, табассумни яхшиланиши; чайнаш функцияси меъёрлашишини баҳолаш-тишлаб олишни ва овқатни чайнашни қулайлиги; шунингдек ички рухий комфорт холати (ИРКХ). Бунда натижаларни баҳолаш беморларни субъектив ҳис қилиши асосида; ёмон, қониқарли, яхши, аъло шаклда баҳоланди.

Текширилганларда клиник кўрсаткичлар ўрганилди, уларга юзнинг олд ва ён томонини кўрикдан ўтказиш, оғиз бўшлиғи, тишлар, тиш қаторлари ва окклюзияни кўрикдан ўтказиш; юмшоқ тўқималарни текшириш, ЧПЖБ функциясини баҳолаш, юзни фотометрик текшириш, антропометрик ва цефалометрик текширишлардан ўтказиш киритилди.

Жағлар ривожланишини скелет белгилари, чаноқ юз қисми суякларининг симметрияси, асосий цефалометрик параметрларни баҳолаш учун Dolphin компьютер дастурининг цефалометрик кўрсаткичлари қўлланилиб, юқори жағнинг абсолют узунлиги (PNS-ANS), пастки жағнинг абсолют узунлиги (Go-Pg), юзнинг учдан бир қисмини ўртача узунлиги (N-ANS), юзнинг пастки учдан бир қисм баландлиги (ANS-Gn) (№1 расм) ва юқориги ва пастки жағлар ҳамда жағлараро дифференциал холати (SNA, SNB, ANB) баҳоланди (1-расм). Назорат сифатида ўзбек популяциясидаги меъёрий цефаломатрия кўрсаткичлари олинди (С.С.Муртазаев, 2018 йил).



1-расм. Юз-скелети узунлигини схематик тасвири

PNS-ANS-юқори жағнинг абсолют узунлиги, Go-Pg-настки жағнинг абсолют узунлиги, N-ANS-юзнинг учдан бир қисмини ўртача баландлиги, ANS-Gn-настки учдан бир қисм баландлиги, А-ортогнатик тишламли беморларда юз скелетининг ўлчамлари, В-дистал тишламли беморларда юз скелетининг ўлчамлари, С-мезиал тишламли беморларда юз скелетининг ўлчамлари.

Тўқима гипоксияси ва гипоксемия ҳолатини ўрганиш учун функционал ва биокимёвий текширишлар ўтказилди. ГШОАли беморларда цитокин статуси стимулланмаган оғиз бўшлиғи суюқлигида (СОБС) ва қонда ўрганилди. Сўлакнинг ҳимоя тизим кўрсаткичлари сифатида сўлакдаги: лизоцим, лактоферрин, секретор иммуноглобулин А (slgA) текширилди. Бурун ичи тузилмаларини ҳаво оқимиға қаршилик даражасини ўрганиш мақсадида “Ринолан” аппаратида олд фаол ринометрия (ОФРМ) ни қўлладик.


Тадқиқот натижаларини статистик қайта ишлашда «Microsoft Excel for Windows 2010» компьютер амалий дастур пакетидан фойдаланилган ҳолда амалға оширилди. Кўрсаткичлар орасидаги фарқ ҳаққонийлиги Стьюдентнинг t- критерияси бўйича баҳоланди.

Диссертациянинг **“ГШОАли беморларни анъанавий даволашдан сўнг клиник-морфометрик кўрсаткичларини натижаларини баҳолаш”** деб номланган учинчи бобида жарроҳлик усули билан даволашдан кейинги 9 - 12 ой бўлган муддатдаги даволаш натижалари тўғрисидаги субъектив маълумотлар келтирилган.

Узоқ муддатларда жарроҳлик усули билан даволашнинг эстетик натижалари 64,5% беморларда қониқарли ҳолатда бўлди, жарроҳлик амалиётидан кейинги узоқ муддатларда 54,4% беморлар ички рухий комфорт ҳолатини “яхши” деб баҳолади, “овқатни тишлаб олиш ва чайнаш” кўрсаткичлари бўйича 64% беморлар хўлатни “яхши” деб баҳолади (2-расм).

Мазкур тадқиқот натижаси - жағлар деформацияси бўлган беморларни реабилитация қилиш ва даволаш ўзига хос бўлган қийинчиликларға эға бўлиши ва уларни реабилитация қилишни ташкил этиш бўйича қўшимча чора тадбирлар ўтказишға эҳтиёж мавжудлигини тасдиқлайди.

Анкета сўровнома натижалари субъектив белгиларнинг турли туманлиги тўғрисида гувоҳлик берди. Аксарият текширилувчиларда ($55,8 \pm 8,3\%$) бурундан нафас олишни бузилишига шикоятлар қилинди. Бунда бурундан нафас олишни бузилиши субъектив хис этилиши энг кўп ($60 \pm 6,4\%$) мезиал тишламли беморларда учради.



2-расм. ГШОАли беморларни анъанавий даволаш натижалари (%).

ОФРМ натижалари бўйича 1-гуруҳ беморларидаги ҳаво оқимини йиғинди хажми (ОЙХ)нинг ўртача белгиси 610 ± 47 см³/сек ни ташкил этди, бу назорат гуруҳидан 29,9% паст, мезиал тишламли 2-гуруҳ беморларида эса ОЙХнинг ўртача белгиси 540 ± 64 см³/сек ни ташкил этди, бу назоратдан 37,9% паст демакдир.

ГШОАли беморларнинг аксариятида бурун обструкцияси кузатилишини ва обструкция сабабларини бартараф этиш, бурунни нафас олиш функциясини тикланиши комплекс реабилитациянинг биринчи даражали аҳамиятга эга эканлигини тасдиқлади.

Руҳий эмоционал ҳолатни текшириш натижасида (тест ўтказиш) аниқландики, 93% бемор ўзининг эмоционал ҳолатини паст деб баҳолайди, ўртача баҳолаш фақат 7% беморда кузатилди ва юқори деб баҳолаш мутлақо кузатилмади. Сўровнома асосидаги текшириш натижаларини таҳлил қилиб, сўровномада иштирок этган 57% беморда кўрқувнинг юқори даражаси қайд қилинди. Кўрқув билан бир қаторда 68% беморда асабий ҳолатлар кўринишида намоён бўлувчи руҳий эмоционал бузилишлар, шахсни патологик ривожланишига ўтувчи тенденцияли депрессив реакциялар 41% беморда қайд этилди, бу эса инсонларни бутун келгуси ҳаётига ҳам ўз таъсирини кўрсатади.

Диссертациянинг **“ГШОАли беморларни комплекс текшириш ва даволаш принципларини асосланиши”** деб номланган тўртинчи бобида ўзбек миллатига мансуб бўлган ГШОАли беморларни цефалометрик кўрсаткичларини текшириш натижаларини таҳлили чизиқли ва бурчакли параметрларни, шунингдек уларнинг нисбатларини одатий ўзгаришларида аниқланди (№1 жадвал). Демак, цефалометрия натижалари кўрсатдики, 1-гуруҳ беморларида юқори жағ узунлигининг ўртача белгиси (PNS-ANS) $52,5 \pm 0,31$ ммни ташкил этди, пастки жағ абсолют узунлигининг ўртача белгиси (Go-Gn) $72,5 \pm 1,21$ ммни ташкил этди, бу эса пастки жағ ўлчамининг кичиклигини кўрсатади, юзнинг учдан бир қисми баландлигининг олд

белгиси (N-ANS) $50,5 \pm 1,83$ мм ни ташкил этди.

Юзнинг пастки учдан бир қисми баландлигининг ўртача белгиси (ANS-Gn) $61,1 \pm 1,88$ мм ни ташкил этди, бу юзнинг пастки учдан бир қисмини ривожланмай қолганлигидан далолат беради. 2-гуруҳ беморлардаги цефалометрик кўрсаткичларни текшириш - юқори жағ узунлигининг ўртача белгиси (PNS-ANS) $48,5 \pm 0,59$ мм ни ташкил этиб, бу эса юқори жағлар ўлчамининг кичиклигини кўрсатади. Пастки жағлар узунлигининг ўртача кўрсаткичи (Go-Gn) $78,2 \pm 0,87$ мм ни ташкил этиб, бу пастки жағлар ўлчамни ортганлигини кўрсатади. Юзнинг учдан бир қисмини ўртача баландлигини ўртача белгиси (N-ANS) $51,7 \pm 1,36$ мм ни ташкил этиб, бу юзнинг ўртача учдан бир қисмини кичик ўлчамларини кўрсатади. Юзнинг пастки учдан бир қисми баландлигини ўртача белгиси (ANS-Gn) $67,3 \pm 1,13$ мм ни ташкил этди, бу юзнинг пастки учдан бир қисмини ўлчамларини ортганлигини кўрсатади.

Бизнинг олиб борган биокимёвий тадқиқот натижалари бўйича 2-гуруҳдаги беморлар қонидаги гемоглобин кўрсаткичи соғлом кишилар кўрсаткичларига нисбатан 41%га ишончли пасайган. 1-гуруҳ беморларида ўрганилаётган кўрсаткич назорат гуруҳ кўрсаткичлар билан таққосланганда 26%га пасайди.

Тишлар қатори ГШОАли текширилган беморлар қонида НвFга нисбатан бошқача динамика қайд этилди (№3 жадвал). Олинган натижалар таҳлили 1 гуруҳ беморларида фетал гемоглобин даражасини ўртача 13%га ишончли ортганлигини кўрсатди, 2 гуруҳ беморларида эса у 1,7%га ошди. Бунда беморларда кузатилаётган гипоксия ҳолати ҳам маҳаллий, ҳам тизимли тавсифга эга бўлиши мумкин.


Тадқиқот натижалари бўйича ГШОАли беморлар оғиз бўшлиғи суяқлиги ҳимоя тизим кўрсаткичлари асосан барча ўрганилаётган кўрсаткичларни пасайиши билан тавсифланади. 1-гуруҳ беморлар оғиз бўшлиғи суяқлигида лизоцим миқдори қиёсий гуруҳ кўрсаткичларига нисбатан 2 марта пасайган. 2-гуруҳда ўрганилаётган кўрсаткич $0,68 \pm 0,005$ мкг/л га тенг бўлди, бу дастлабки катталиклардан 3,4 марта пастдир. Лактоферрин даражаси 1 ва 2 назорат гуруҳидаги кўрсаткичларга нисбатан белгиларни ўртача, мос ҳолда 1,5 ва 1,9 мартага ишончли пасайишига эга бўлди.

Биокимёвий тадқиқотлар натижасида тишлар қатори ГШОАли беморлар қон зардобиди яллиғланиш олди ва яллиғланишга қарши цитокинлар концентрациясини ортиши аниқланди. Олинган маълумотлар иммун тизимнинг ҳимоя омилларини пасайишидан гувоҳлик беради. Тишлар қатори ГШОАли беморлар қонида уларнинг миқдорини ўзгариш динамикасининг мониторингини яллиғланиш жараёнларини ривожланиш хавфини объектив мезонларидан бири сифатида қўллаш мумкин.

ГШОАли беморларни қон ва оғиз бўшлиғи суяқлиги параметрларини комплекс биокимёвий текшириш натижалари уларни дори воситалари билан коррекция қилиш заруриятини, яъни беморларни жарроҳлик амалиётидан олдинги дори воситалари билан тайёрлаш заруриятини кўрсатди. Бизнинг

қарашларимизча ноотроп, нейропротектор, антиоксидант ва махсус тўқима таъсирига эга бўлган дори воситасини буюриш зарур, бу қаторга КОРТЕКСИН дори воситасини киритиш мумкин. Кортексин бевосита асаб хужайраларидаги гемато-энцефалик тўсиқ (ГЭТ) орқали кириб борувчи, паст молекулали сувда эрувчи полипептид фракцияларни таркибида сақлайди. Дори воситаси ноотроп, нейропротектор, антиоксидант ва махсус тўқима таъсирига эга.

ТДСИ клиникасининг болалар юз-жағ жарроҳлиги бўлимида 2016 йилдан 2019 йиллар давомида ГШОАли 38 нафар беморда таклиф этилаётган №1 схема (3-расм) ва №2 схемани (4-расм) қўллаш билан реконструктив-ортогнатик жарроҳлик амалиёти ўтказилди. Комплекс даволаш режаси тузилганда бизлар томонимиздан ишлаб чиқилган “Окклюзия анамалиясини гнатик шакллари билан оғриган беморларни ташхислаш ва даволашни режалаштириш” (mmpmfr.exe) (№DGU39129) компьютер дастуридан фойдаланилди. Бундан ташқари, барча беморларда патологияни 3D моделирланиши ва жарроҳлик усули билан даволаш вариантлари ўтказилди, бу комплекс даволаш тактикасини хар бир бемор учун индивидуал танлаб олиш имконини берди. Жарроҳлик аралашувининг 3D симуляциясида тегиб туриш юзаси унча катта бўлмаган остеотом бўлаклар аниқланди, ушбу булаклар битиш жараёни ва жарроҳлик амалиётдан кейинги натижаларни турғунлигига ижобий таъсир этади, асоратлар ривожланиш ҳавфини камайтиради ва ГШОАли беморлар ҳаёт сифатини яхшилайти. Бунда пастки жағда ўтказилган ортогнатик жарроҳлик амалиётлари Obwegeser-Dal Pont усули бўйича оғиз бўшлиғи ичида амалга оширилди, юқори жағда Le Fort 1 бўйича остеотомия ўтказилди. Беморларнинг текширилувчи гуруҳи хар томонлама текширишдан ўтказилди ва жарроҳлик амалиётдан олдинги комплекс тайёрлаш ишлари амалга оширилди. Клиник амалиётдан мисол бўлиб бемор, Анваров И. 18 ёшда юз шакли ва эстетикасини ўзгаришига, тишларни нотўғри бирикиши, овқатни чайнашдаги қийинчиликларга шикоятлар билан марожаат қилган (5-расм). Текширишдан сўнг қуйидаги ташхис қўйилди: “Юз ассимметрияси. Пастки прогнатия, юқори жағ гипоплазияси”. Бизлар томонимиздан юз ва тишлам маълумотлари бўйича клиник текширишлар, юз сурати бўйича текширишлар, телерентгенография, ортопантомограмма, юз-жағ соҳасининг МСКТ ва гипсли модел ўтказилди (5- расм).




3-расм ГШОАли беморларни комплекс текшириш ва ташхислаш.



4-расм. ГШОАли беморларни комплекс даволаш.




5-расм. Бемор Анваров И, жаррохлик амалиётидан олдин (олд ва ён томондан кўриниш).




А

Б


В



Г




Д




Е

б-расм. Беморда ўтказилган кўшимча текширишлар: А) Ён томон проекциясида бошнинг телерентгенографияси; Б) Тўғри проекцияда бошнинг телерентгенографияси; В) Ортопантограмма; Г) ЮЖС чап томон МСКТ; Д) тўғри ЮЖС МСКТ; Е) ЮЖС ўнг томон МСКТ.

Жарроҳ ва ортодонт ўртасида келишилган жарроҳлик усули билан даволашнинг бирламчи режаси ва ортодонтлик даволаш режаси тузилди. Юздаги ўзгаришларнинг чизмаси ва режаси бемор ва унинг ота-онаси билан муҳокама қилинди (7-расм).






7-расм. Даволашнинг тузилган режаси:

А) Юзнинг юмшоқ тўқималарини текшириш маълумотлари; Б) режалаштирилган жарроҳлик амалиётини 3D симуляцияси.

Бўлимда беморга премедикация ва умумий эндоназал наркоз остида оғиз бўшлиғига кириб бориш билан юқори жағлар остеотомияси амалга оширилди (8-расм).



8-расм Юқори жағлар остеотомияси (А), кичик пластиналар фрагментларини мустаҳкамлаш (Б), пастки жағлар остеотомияси (С).

Кейин тармоқнинг ички юзаси бўйлаб горизонтал йўналишда унинг орқа қиррасигача стоматологик бор ёрдамида томир–асаб боғламига кириш жойида тилчадан юқорида суякнинг компакт қатлами остеотомияси ўтказилди. Жағнинг компакт моддасини вестибюляр қатламида жағнинг пастки чеккасигача етиб борган 2-моляр қатор даражасида остеотомия ўтказилди.

Компакт пластинкаларни майдалаш искана ёрдамида амалга оширилди. Шундан сўнг, жағни майдалаш яқунлангач, катта фрагментни ортогнатик тишлам ҳолатида ўрнатилди, ортиқча жойлари олиб ташланди. Суяк фрагментларини пастки жағнинг қийшиқ чизиқлари соҳасига кичик пластиналар ёрдамида мустаҳкамланди.


Жароҳат фаол дренажлар ёрдамида дренажланди ва қаватма-қават тикилди. Эластиклар ёрдамида жағларнинг иммобилизацияси амалга оширилди. 7 кундада чоклар олинди ва бемор касалхонадан чиқарилди. Жарроҳлик амалиётидан кейин 1-2 ой бемор йўналтирувчи эластикларни қўлланилди, улар тўғри тишлам билан оғизни пассив ёпилишига ёрдам беради.

Даволашнинг сўнгги босқичи-яқунловчи ортодонтик даволаш-жарроҳлик амалиётидан кейинги 4 ойдан сўнг бошланди ва 8 ойдан сунг

яқунланди. (9-расм). Ортодонтик даволаш мукамал окклюзияга эришилганда ва беморнинг ўзи мустақил жағларини тўғри ҳолатда қўйганда яқунланади.



А.



Б.

9-расм. А) Фотосурат ва Б) Жарроҳлик амалиётидан кейинги беморнинг телерентгенографияси ва МСКТ.

Бизлар олиб борган тадқиқот натижаларини умумлаштириб, ГШОАли беморларни текшириш ва ташхислашга дифференцияланган ва индивидуал ёндошув алгоритминини таклиф этдик 1-схема. Схема асосида ГШОАли беморларни комплекс текширишни ретроспектив таҳлил натижалари ва ТДСИ болалар юз-жағ жарроҳлиги бўлимида тўпланган кўп йиллик илмий амалий тажрибалари шаклланган ва тўпланган.

ГШОАли беморларни биргаликда даволашни режалаштириш юз-жағ жарроҳини ортодонт шифокор билан биргаликда ўтказилиши лозим, зарурат бўлганда бошқа мутахассисларни жалб этиш (ортопед, отоларинголог, логопед ва бошқа мутахассислар) керак. Биргаликда даволаш тизимида ГШОАли барча беморлар 5 босқичдан ўтади 2-схема.

ГШОАли беморларни (mmpmfr.exe) ташхислаш ва даволашни тўғри режалаштириш. Дастурий маҳсулотнинг техник тавсифи ва функционал имкониятлари ҳамда ишлаб чиқилган дастури баён этилган бўлиб, телерентгенографиянинг антропометрик кўрсаткичларига боғлиқ ҳолда режалаштирилаётган ортогнатик жарроҳлик амалиётлари хажми ва окклюзия аномалияларинини гнатик шакллари бўлган беморлардаги нуқсонларни намоён бўлишини аниқлашга имкон берди.

Диссертациянинг “**ГШОАли беморларни таклиф этилган схема бўйича комплекс даволаш таҳлили**” деб номланган бешинчи бобида даволашнинг узоқ муддатларидаги клиник-антропометрик, клиник-лаборатор текширишларни қиёсий таҳлили тақдим этилган. Анъанавий-жарроҳлик ва комплекс даволашни узоқ муддатли натижаларини баҳолашда юзнинг

эстетик мутаносиблигини тикланишига, жарроҳлик амалиётидан олдин аниқланган функционал бузилишларни бартараф этиш даражасига, жағларнинг морфометрик ўзгаришларига, силжиган суяк бўлаклари ҳолатини турғунлигига ва тиш қатори окклюзиясининг ҳолатига эътибор қаратилган. ГШОАли беморларни комплекс даволашни узоқ натижаларини баҳолаш учун: юз кўринишини субъектив баҳолаш, антропометрик ўлчаш, динамикада рентгенологик, функционал ва биокимёвий тадқиқотлар ўтказилган. Мезиал тишламли беморларда 70% ҳолатда ОФРМ натижалари бўйича 2- ва 3- даражали бурун абструкцияси қайд этилди. Ушбу ҳолатни ҳисобга олган ҳолда ГШОАли беморларни жарроҳлик амалиётидан кейинги комплекс тайёрлашдан сўнг (2-схема) ҳаво оқимини йиғинди ҳажми –ОЙХ натижаларини ва ҳаво оқимини йиғинди қаршилиги -ЙҚ қиёсий таҳлили ўтказилди (3-жадвал). Комплекс тайёрлаш курси ўтказилгандан сўнг ОФРМ баъзи кўрсаткичларида ижобий динамика кузатилди (1- жадвал).

1-жадвал

ГШОАли беморларда Ра-150 да ОФРМ натижалари (М±m)

гурӯхлар	ОЙХ, см ³ /сек	ЙҚ, Па / см ³ /сек
1-гурӯх	610 ± 47 *	0,31 ± 0,11*
2- гурӯх	540 ± 64 *	0,27 ± 0,12*
3- гурӯх	625 ± 49 *	0,29 ± 0,1*
4- гурӯх	560 ± 58 *	0,25 ± 0,11*
